



## **NAVOI HERITAGE AND TEACHING STATUS IN THE INTERPRETATION OF SADRIDDIN**

Berdiev Husan Kholnazarovich

Samarkand Institute of Economics and Service "Uzbek language and literature"

Head of Department, PhD, rustam\_berdiyev1996@mail.ru

### **ABSTRACT**

It is known that Sadriddin Aini not only actively promoted the heritage of Alisher Navoi, published works of the thinker, but also carried out large-scale scientific work on the literary relations of the Uzbek and Tajik peoples. One of them is the study of the scientist "Alisher Navoi and Tajik literature."

It should be noted that the rich literary heritage of Sadriddin Aini is of special importance in the development of prose, poetry, literary criticism and linguistics.

Унинг икки халқ сўз санъаткорлари ҳақидаги илмий кузатишлари мумтоз адабиёт вакилларидан Камол Хўжандий, Абу Али ибн Сино, Рудакий, Шайх Муслиҳиддин Саъдий, Алишер Навоий, Зайниддин Восифий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муқимий ижоди юзасидан яратилган ишларда, замонавий адабиёт вакиллариFaфур Ғулом, Сайд Назар ва бошқалар ижоди борасидаги тадқиқотларида ўз аксини топган.

Садриддин Айнийнинг Алишер Навоий "Хамса"си юзасидан олиб борган тадқиқот ва нашр соҳасидаги ишлар навоийшунослик тараққиётига қўшилган муҳим ҳисса эканлиги алоҳида эътироф этилиши бежиз эмас. Шу билан бир қаторда, унинг илмий кузатишлари қамрови анча кенг эканлигини ҳам айтиб ўтмоқ жоиз.

Ўзбек ва тожик халқлари адабиётлари тарихи тадқиқида Садриддин Айний асарларининг муҳим ўрни XXI аср илмий муҳити, янги давр адабиётшунослиги тараққиёти учун ҳам ноёб қимматли манба ҳисобланади.

Мақола муқаддимасида олим қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтади: "Ўзбек халқининг буюк олими ва мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг тожик адабиёти соҳасида қилган хизматлари каттадир.

Ҳар бир халқقا teng кўз билан қаровчи инсонпарвар буюк Навоийнинг форс-тожик адабиёти равнақи йўлида хизматлари ҳар тарафламадир. У, бир томондан, ўзи форсча-тожикча шеърлар, ғазаллар, қасидалар, қитъалар, рубоийлар, фардлар ва муаммолар ёзган бўлса, иккинчи томондан, форс-тожик адабиётига оид илмий асарлар ҳам яратди. Булардан бошқа, у тожик ёзувчилари, олимлари ва санъаткорлари тараққиёти учун ўша давр тожик адабий тилида илмий ва бадиий кўп асарларнинг вужудга келишида ҳам моддий ва маънавий ёрдамлар қилган".

"Алишер Навоий ва тожик адабиёти" мақоласида Алишер Навоийнинг форс-тожикча тахаллуси, девони, "Муфрадот" асари, Навоий ёрдами ва бевосита топширифи билан ёзилган тожик тилидаги асарлар ҳамда ёш тожик ижодкорларига хомийлиги каби масалалар ёритилган.

Алишер Навоийнинг форс-тожикча тахаллуси хусусида тўхталиб, муаллиф шундай дейди: "Алишер ўзбекча асарларида "Навоий" тахаллусини ишлатган бўлиб, форс-тожикча шеърларида "Фоний" тахаллусини қабул этган. Шунинг ила баробар баъзи ўзбекча асарларини "Фоний" ва тожикча асарларини "Навоий" тахаллуси билан ёзган". Бу ўринда муаллиф мисол тариқасида Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарини ҳам эслатиб ўтади. Султонмурод Олимовнинг тадқиқотларида кўрсатилишича, устоз Садриддин Айний



томонидан катта меҳнатлар маҳсулі ўлароқ баён қилинган бу ҳақиқатга жиддий эътибор қаратилмаганлиги сабабли “Фоний” шоирнинг фақат форсий тахаллуси, деган ақидага шу қадар берилиб кетилганки, бунинг оқибатида, ҳатто, “Лисон ут-тайр”нинг насрый баёнида (1984) бир байт тамоман ғалат тушунилиб, ўз ўрнида эмас, уч байт кейинга олиб таржима қилинган: “Навоий ёхуд достонни кўчирган хаттот хатога йўл қўйган бўлса керак”, деб ўйланган.

Алишер Навоийнинг форс-тожик тилида яратилган асари “Девони Фоний” хусусида сўз борар экан, бунда муаллиф Ғиёсиддин Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарида келтирилган маълумотларга кўра, девонда олти минг байт жамланганини айтиб ўтади. Шу билан бир қаторда, Навоийнинг Абдураҳмон Жомийга бағишлиб ёзган “Тухфат ул-афкор” қасидаси ва Жомий вафоти муносабати билан ёзган марсияси ҳақида фикр билдириб, бу асарлар форс-тожик адабиётининг шоҳ асарлари сирасига киришини мисоллар асосида кўрсатади. Чунончи, “Алишернинг тожикча ғазаллари ўзбекча ғазаллари каби асосан лирик шеърлар бўлиши билан бирга, уларда фалсафий мазмун, инсонпарварлик ғоялари ифода қилинади, табиат манзаралари ва ҳаёт лавҳалари моҳир бир рассом каби бўрттириб чизилади.

Шоирнинг юз байтдан иборат ва Жомийга бағишлиб ёзган “Тухфат ул-афкор” номли қасидаси форс-тожик адабиётида машҳур шоҳ асарлардан биридир.

“Тухфат ул-афкор” қасидаси фалсафий, ҳаётий ва танқидий асар бўлиб, Навоий бу қасидада ўз муддаосини сўзнинг очиқ маъноси билан ифода қилган ҳолда кўп байтларда ўша муддаони сўз ўйини – муаммо йўли билан таъкидлайди. Бу хилдаги сўз ўйини XV аср форс-тожик адабиётида катта ҳунар саналар эди”.

Муаллифнинг уқтиришича, Алишер Навоий нафақат туркий, балки форс-тожик тилида ҳам юксак маҳорат билан етук асарлар яратган ва бу борада ҳам устоз ҳисобланади. Шунингдек, Садриддин Айний томонидан билдирилган фикрлар академик Ғафур Гуломнинг мазкур сўзларини тасдиқлайди: “Алишер Навоийнинг ўз мундарижаси ва санъати билан форс-тожик адабиётининг энг нодир намуналари савиясида турувчи шеърларидан ташкил топган “Фоний” девони шоирнинг туркийгўйлигига сабаб, форс тилида ижод қилишга ожизлигидан эмас, балки ўз она тилидаги адабиётни ривожлантириш, унинг имкониятларини амалда исботлаш бўлганлигини кўрсатади”.

Алишер Навоий форс-тожик тилидаги асарлари сирасида Жомий вафоти муносабати билан ёзилган марсияси тожик адабиётидаги марсияларнинг энг жонсўзларидан бири саналиши, бу асар ҳали-ҳануз ўқувчини ларзага солишига алоҳида урғу беради.

Мақолада муаллиф Алишер Навоийнинг форс-тожик тилидаги бадиий мероси билан бир қаторда, шу тилда яратилган илмий-адабий асарларига ҳам тўхталади. Хусусан, бунда муаммо жанрининг қонун-қоидалари ёритилган “Муфрадот”ига алоҳида эътибор қаратилади. Садриддин Айнийнинг ёзишича, “Навоий бу жанри умумийлаштириш ва ёшларга ўргатиш ўйлини осонлаштириш учун муаммонинг мутахассисларидан бўлган Мавлоно Камолиддин ва Мавлоно Шамсидинларга муаммо қоидаларига оид китблар ёздирган”. Аммо уларнинг китблари муваффақиятсиз чиқади... Ниҳоят, шоирнинг ўзи бу ишга қўл уради. Натижада, шоирнинг бу китоби бошқалардан шу жиҳатдан фарқ қиласиди, ҳар бир қоида учун келтирилган мисолдада талаба ҳанузгача кўрмаган қоидага дуч келмайди ва ўқувчи ўша қоида асосида мисолдан маълум номни осонлик билан чиқаради.

“Муфрадот” ўз бобида шу даражада муваффақият топдики, Жомий ўғли Зиёуддин Юсуфга ўз асарларини (муаммо жанри хусусидаги асарларини – Ҳ.Б.) ўқитмасдан, Навоийнинг “Муфрадот”ини дарслик китоби қилиб ўқитди. “Макорим ул-ахлоқ”да қайд қилинганига



кўра, Жомий “Муфрадот”ни олгач, Навоийга муаммо қоидаси билан бир мактуб ёзиб, уни бу асари билан қутлайди”.

Алишер Навоийнинг таклифи ёхуд ҳомийлигида яратилган форс-тожик тилидаги асарлар турли мавзуларда бўлиб, мақола муаллифининг кўрсатишича, уларнинг умумий миқдори элликдан ортиқдир. Жумладан, ҳазрати Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Алишоҳ, Мирмуртоz, ҳожа Абдуллоҳи Марворид, Камолиддин Биной сингари илму адаб пешволари томонидан яратилган мусиқага оид қатор рисолалар, шунингдек, “Жамолиддиннинг “Равзат ул-ахбоб”и, Ҳусайн Кошифийнинг форсий тафсири ва бошқа кўп тожикча илмий ва бадиий асарлар Алишернинг хоҳиши билан ёзилган”. Шу ўринда муаллиф Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиёти, илм-фани, ҳусусан, адабиётшунослиги ривожига кўшган ҳиссаси булар билан чекланмаслиги, ҳатто, унинг ўзбек тилида яратилган асарларида ҳам бу соҳага оид қимматли маълумотлар мавжудлиги ҳақида шундай дейилади: “Мажолис ун-нафоис” ўзбекча ёзилган бўлса ҳам, XV аср тожик адабиёти тарихининг биринчи манбаи ҳисобланади. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да тўрт юздан ортиқ шоир, ёзувчи ва адабиёт дўстларини зикр қиласиди, буларнинг аксариятини тожиклар ташкил этардилар”.

Алишер Навоийнинг ўша давр ёш тожик ижодкорлари камолотида ҳам ўрни муҳимдир. Садриддин Айний мақолада “Ёш тожик ижодкорларининг катта бир қисми Алишернинг моддий ва маънавий тарбияси соясида ўсган. Алишер камтарлик қилиб, бу тўғрида оғиз очмаса ҳам, бизга бу ҳол бошқа манбалардан ва Навоий замондошларининг эсдаликларидан маълумдир. Мисол учун бундай ёшлардан бир нечасини эслатиб ўтамиз”, - дейди ва бу жумладан Сайфий Бухорий, Осафий, Ҳилолий, Биной сингари ёш шоирларнинг илм эгаллашлари ва бадиий ижодда ном қозонишида устоз Навоийнинг кўмак ва маслаҳатлари муҳим бўлганлигини таъкидлайди. Бу ҳусусда “Мажолис ун-нафоис”, “Макорим ул-ахлоқ”, “Бадое ул-вақоء” каби тарихий манбаларда берилган фактлар келтириб ўтилади.

Садриддин Айнийнинг Навоийнинг форс-тожик тилидаги адабий мероси, айниқса, “Девони Фоний”, унинг нусхалари тадқиқи борасидаги кузатишлари ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф бунда “Фоний” тахаллуси билан ижод қилган шоирлар – Ҳожа Аҳмад Деҳдор, кашмирлик Муҳсин ва уларнинг услугига хос бўлган ҳусусиятлар ҳақида ҳам маълумотлар беради.

Хуллас, баён қилинганлар асосида айтиш мумкинки, Садриддин Айнийнинг бошқа тадқиқотлари қаторида “Алишер Навоий ва тожик адабиёти” мақоласи ҳам ўзбек ва тожик адабиётлари тарихини ўрганишга, шунингдек, навоийшуносликка муҳим ҳисса бўлиб қўшилган салмоқли ишлардан биридир. Мазкур мақола хуносасида Садриддин Айний ўша даврда навоийшунослик олдида турган ўта муҳим вазифаларни шундай баён қиласиди: “Буюк олим ва улуғ мутафаккирнинг хотираси ҳурмати тожик ва ўзбек адабиётшуносалидан қўлни қўлга бериб, унинг тожикча асарларини топиб, илмий-тадқиқий йўл билан ишлаб чиқишини талаб қиласиди. Шоирнинг тожикча асарлари, қўллэзмалари сақланаётган кутбхоналардан изланиши лозимдир. Буларни излаган ва ишлаган илм аҳллари ажойиб натижалардан қуруқ қолмаслар” [1].

Садриддин Айний қаламига мансуб мазкур мақолада илгари сурилган фикр-мулоҳазалар адабиётларо алоқалар янги погонага кўтарилиган бугунги даврда алоҳида аҳамият касб этади.

## Адабиётлар

1. Садриддин Айний. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Тошкент, 1967. – Б. 29-30.